

Ishonch

2019 йил 19 март • сешанба • № 37-38 (4167)

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси нашри • Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган • www.ishonch.uz • e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz



Самарқанд вилояти

Қарор ва ижро

Улуғ ишлар шукронаси

Президентимизнинг 2017 йил 12 сентябрдаги «Аҳолининг кам таъминланган қатламларини қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори халқимизнинг турмуш даражаси ва сифатини оширишга хизмат қилмоқда. Биргина Самарқанд вилоятида ҳудудий манзилли дастур асосида 2017-2018 йиллар мобайнида 65 та оила янги уй-жойлар билан таъминланди, 560 та оиланинг уй-жойлари таъмирдан чиқарилди. 192 нафар турли дардларга чалинган, эҳтиёжманд фуқароларнинг саломатлигини тиклашга кўмаклашиб, 2896 та оилга электр маиший воситалари тақдим этилди.



— Мамлакатимизда амалга оширилган туб ислохотлар замирида инсон қадрини, унинг орзу-истакларини рўйга чиқаришдек улкан гоё мужассам, — дейди Самарқанд вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси Суҳроб Рафиқов. — Одамларни

рози қилиш тамойили асосида, халқ билан мулоқотда, тўпланиб қолган муаммоларга оқилана ечим изланмоқда. Энг муҳими, чекка қишлоқми, овулми, яшаш манзилдан қатъи назар, ҳар бир фуқаро давлат эътиборидан четда эмаслигини англаб етди.

«СИЗ ҲАМ ЭШИТГАНДИРСИЗ?»

— Қўшработ туманидаги қишлоқлардан бирида бўлиб, турмуш ўртоғи автохалокатга йўлиққан, моддий жиҳатдан қийналган хонадон соҳибаси билан мулоқот қилдик, — дейди Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Республика

кенгашининг Самарқанд вилояти бўйича масъул ташкилотчиси Ифтихор Раҳимов. — Маҳалла бу хонадоннинг гуваладан тикланган уйини таъмирлашга тавсия этган эди. «Аҳолиимизни эшитгандирсиз?», дея хижолат тортди хонадон бекаси.

2 >

КУН НАФАСИ

«Бирлашган Араб Амирликлари фуқаролари учун Ўзбекистон Республикасига кириш режимини янада соддаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Президент фармони қабул қилинди. **uz.uz**

Давлатимиз раҳбари «Чорвачилик тармоғини янада ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорини имзолади. **uz.uz**

Президент Шавкат Мирзиёев Индонезиянинг Папуа музофотида кучли сел келиши оқибатида қўллаб-қувватлаш бўлими билан мамлакат Президенти Жоко Видодога ва Индонезия халқига чўқур ҳамдардлик билдирди. **uz.uz**

Президент матбуот хизмати

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев Ирландия Республикаси Президенти Майкл Хиггинсни ушбу мамлакатнинг миллий байрами - Авлиё Патрик кўни муносабати билан қутлади. **uz.uz**

Президент матбуот хизмати

«Ўзстандарт» агентлиги ҳузурида Стандартлаштириш, сертифици-байрамни хайрия акцияси ўтказил-моқда. **uz.uz**

«Хўқўқий ахборот» канали

Дархан Сатибалди Қозғис-тоннинг Ўзбекистондаги фақу-лода ва мухтор элчиси этиб тай-инланди. **daryo.uz**

Саудия Арабистонида ўткази-ладиган Қирол Абдулазиз номи-даги «Туялар фестивали» доира-сида ўзбек кураши бўйича халқаро турнир ташкил этилди. **uz.uz**

Мамлакатимиздаги барча театр-ларда 21-27 март кунлари театр то-мошалари бепул намойиш этилади. **uz.uz**

Ўзбекистон элчиси Дилёр Ҳа-кимов Нидерландия қироли Вил-лем-Александрга ишонч ёрлигини топширди. **uz.uz**

Ташқи ишлар вазирлиги матбуот хизмати

Бош прокуратурада бир қатор лавозимлар, жумладан, бош про-курорнинг икки ўринбосари лаво-зими штат бирлиги ҳамда бошқар-малар тугатилмоқда. Прокуратура тизимидаги 1198 штат бирлигини қисқартириш мўлжалланмоқда. **gazeta.uz**

Жорий йилнинг 26-30 март кунлари пойтахтимизда Ҳамдўст-лик давлатлари шифокорларининг футбол жамоалари ўртасида Тош-кент халқаро турнири ўтказилади. **uz.uz**

«Тошкент йўловчи вагонларини куриш ва таъмирлаш заводи» ак-циядорлик жамиятида янги ру-сумдаги ноғиронлар учун махсус вагонлар ишлаб чиқарилди. **uz.uz**

«Ўзбекистон темир йўллари» АЖ матбуот хизмати

Жорий йилнинг 21-22 март кунлари Шаҳрисабзда II Халқаро миллий либослар фестивали бўлиб ўтади. **uz.uz**

19-29 март кунлари Тошкент шаҳри бўйлаб «Наврўз» китоб байрами хайрия акцияси ўтказил-моқда. **uz.uz**

Туркиянинг Кўния шаҳридаги Селчук университетиде «Икки қар-дош давлат: Туркия-Ўзбекистон ва уларнинг келгуси муносабатида менинг ўрним» мавзуда анжуман бўлиб ўтди. **uz.uz**

Наманган давлат университе-тида ҳар пайшанба «Китобхонлик кўни» деб белгиланди. **uz.uz**

Тошкент давлат юридик уни-верситетида «Электрон универси-тет» махсус инновацион платфор-маси яратилди. **uz.uz**

Бухоро шаҳридаги «Фаввора-лар майдони» боғига баландлиги 60, ҳажми 16 метрга 8 метр бўлган давлат байроғи ўрнатилди. **uz.uz**

Бухоро вилояти ҳокимлиги матбуот хизмати

Кун эътирофи

2018 йили дунёда инсон ҳуқуқлари бўйича вазият ҳақидаги йиллик маърузада (2019 йил 13 март кuni чоп этилган) АҚШ Давлат департаменти Ўзбекистондаги инсон ҳуқуқлари юзасидан ақвол кўп жиҳатдан сезиларли даражада яхшиланганини эътироф этди. Ҳужжатда Ўзбекистонда мажбурий меҳнатга йўл қўймаслик бўйича қабул қилинган ҳуқуқий ва маълурий чоралар ҳам алоҳида кўрсатиб ўтилган.

ishonch.uz:

«Матбуот бонг уради!»



БОҚИЙ ДУНЁГА КЕТИШ ҲАМ, КЕТИШ ҲАМ ЎЗ ИХТИЁРИМИЗДА ЭМАС



XXI ASR TASHIDI YOXUD TELEFONINGIZNI O'CHIRIB QO'YING!




ХОКИМ МАХАЛЛА РАИСИНИ ИШДАН БЎШАТИШИ МУМКИНИМИ?



ОЛАЖАНИНГ «НЕФТЬ МАГНАТИ» ҚЎЛГА ТУШДИ



ТАҚДИРНИНГ АЧЧИҚ ҚИСМАТИ ЁХУД Кўрсатилган гамхўрликка нописандлик оқибати



БИЗ БИРГАЛИҚДА ҚУДРАТЛИ ВА ЕНГИЛИМАС КУЧМИЗ!



Кумушхонга фақат «олтин» ярашади



Тошкент Халқаро аэропорти. Соат 12:30. «Нью-Йорк – Тошкент» рейси бўйлаб учган авиалайнер кўнди. Чиқиш йўлиги ёнида турганлар турфа гулдасталар билан чемпионларни олқишлашди. АҚШнинг Лас-Вегас шаҳрида оғир атлетика бўйича ўсмирлар ўртасида ўтказилган Жаҳон чемпионатида мисли кўрилмаган муваффақиятларга эришган ўсмирлар терма жамоамиз аъзолари самолётдан мағрур тушиб келишди.

ЖАҲОН РЕКОРДИНИ ЎРНАТГАН ҚИЗ

4 та олтин, 1 та кумуш ва 1 та бронза медалларни қўлга киритган спортчиларимиз ҳақли равишда умумжамоа ҳисобида 1-урини эгаллашди. Бундай улкан ютуқ ўсмирларимиз орасида ҳали қайд этилмаган эди. Алоҳида ғурур билан таъкидлашга жоиз яна бир жиҳат шуки, 17 яшар Кумушхон Файзуллаева 64 кг. вазн тоифасида олтин медални қўлга киритиб, жами 215

кг.ни ўзига бўйсундирган ҳолда жаҳон рекордини ўрнатди. Тўмарис вориси дунёни яна бир бор лол қолдирди. Эътиборлиси, Кумушхон касаба уюшмалари тизимига қарашли БЎСМ тарбияланувчиси ҳисобланади. Чемпионларимизга пешвоз чиққанлар орасида кўзлари қувончдан порлаган, қўлида гул кўтариб олган ўрта яшар киши диққатимизни тортди. Эғнида миллий терма жамоа либоси.

2 >



КАСАБА УЮШМАСИ ВА ХОТИН-ҚИЗЛАР реал ҳолат таҳлилида нимага асос этилмоқда? 3

ВАТАН САБОҚЛАРИ 4

«МИЛЛИЙ ГОЯ» ЯНА ТИКЛАНДИМИ? 5

Тошкент вилояти Учрашув

Спортчилар шарафланди

Тошкент вилояти касаба уюшмалари бирлашмаси Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси тасарруфидеги Жисмоний тарбия ва спорт-соғломлаштириш ишлари бошқармаси ҳамкорлигида бир қатор тадбирларни амалга оширмоқда. «Олмалик кон-металлургия комбинати» АЖ тасарруфидеги «Металлург» маданият саройида халқаро спорт мусобақаларида юқори натижаларни қўлга киритган Тошкент вилояти спортчилари билан учрашув ташкил қилинди. Тадбирда мамлакатимизда спортга қаратаётган эътибор,

хусусан, ёшларнинг спортга бўлган қизиқишини ошириш, уларни соғлом ва баркамол вояга етказиш борасидаги ишлар эътироф этилди. Комбинатда ходимларни соғломлаштириш борасида яратилган совғалари хусусида сўз борди. Мамлакатимиз шарафини муносиб ҳимоя қилиб келатган спортчилар ҳамда уларнинг устозларига бирлашманинг эсдалик совғалари топширилди. Шаҳноза ОДИЛХОНОВА, Тошкент вилояти касаба уюшмалари бирлашмаси маданий-маърифий ва спорт ишлари бўлими мудир

Улуғ ишлар шукронаси



«1 Вилоят бўйича мингдан ортиқ уй-жойлар таъмирлашга муҳтож, дея ахборот берилган эди. Уларни касаба уюшмалари вакиллари бирма-бир кўздан кечириб чиқишди. Хонадонлардаги молиявий имконият, ишчанлик ва эҳтиёжмандлик даражаси ўрганилди. Шулар орасидан 560 та хонадон ажратиб олинди. Уй-жойи таъмирга муҳтож, ўз кучи билан эпақага келтириб олиш имконияти йўқларга давлат кўмаги кўрсатилди.

Муҳтасар айтганда, мазкур оилалар яшаётган уйлар қарийб 5 ярим миллиард сўмга яқин маблағ эвазига таъмирдан чиқарилди.

«ҚУРУВЧИДА ҲАМ ҒАП КЎП»

– Қарорга мувофиқ уй – жойлар қуриш ва таъмирлаш ишларини амалга ошириши лозим бўлган қурувчиларни танлашга алоҳида эътибор қаратилди, – дейди Транспорт, йўл ва қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касаба уюшмаси Самарқанд вилояти бирлашган кўмитаси раиси Сирожиiddин Иззатуллаев. – Маблағлар мақсадли сарфланиши устидан муттасил мониторинг ўтказдик. Бутун диққат-эътибор давлатимиз томонидан ажратиладиган кўмак ўз ўрнида сарфланишига қаратилди.

Пайариқ туманида хонадонлар таъмирида иштирок этган «Маҳмудов Орзустрой», «Интегра қурилиш инвест» масъулияти чекланган жамият қурувчиларидан фуқаролар беҳад мамнун. «Маҳмуд Озодстрой» МЧЖ ходимлари 10 та хонадоннинг қиёфасига гўзаллик бахшида этди. Сифатли таъмирлашдан хонадон соҳибларининг боши омонда.

– Тўққизта хонадон уйини тубдан бунёд этдик, – дейди «Интегра қурилиш инвест» МЧЖ раҳбари Фахриддин Холбеков. – Барча хонадонлар эшик ва ромлари, фасади, том қисми тўлиқ алмаштирилди. Сувоқ ва бўёқ ишларини ҳам ўзимиз қилдик.

Манзилли дастур асосида Каттақўрғон шаҳрида уй-жой таъмирлаш ишларининг аксарини «Сифат қўрғон қурилиш» масъулияти чекланган жамият амалга оширди.

Улар кўмағида шаҳардаги эҳтиёжманд 12 та оила хонадони муфассал таъмирдан чиқарилди.

– Мақсадимиз, давлатимизнинг кам таъминланган оилага кўрсатаётган меҳрини кемтик қилмасдан, тўлиқлигича фуқаролар баҳрамандлигига йўналтириш, – дейди қурилиш ташкилоти раҳбари Дилшод Тўраев. – Қурилиш, таъмирлаш ишларини ҳам бу хонадонда ортиқча беҳаловатлик келтириб чиқармасдан, ташвишга қўймасдан бажардик. Натижада ҳеч бир оила ўзининг кундалик юмушларидан чалғимасди.

«ЯНГИ УЙДА ТЎЙ ҚИЛАМИЗ»

Ўлкамизда Наврўзи олам кезиб юрган шу кезларда Булунғур туманида истиқомат қилаётган 4 та оилага янги уйлар калити топширилди. Тантанали тадбирларда Булунғур тумани ҳокимининг ёшлар масалалари бўйича ўринбосари Бекзод Элчиев, Самарқанд вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раисининг ёшлар масалалари бўйича маслаҳатчиси Акбар Абдусайдов, ЎзКУФК қошидаги Жисмоний тарбия ва спорт бошқармасининг Самарқанд вилоятидаги вакили Бахтиёр Туробов, маҳаллалар фаоллари, аҳоли вакиллари иштирок эттишди.

Туманининг «Элобод» маҳалласида яшовчи биринчи гуруҳ ногирони Ақтам Исмоилов ҳам қарор асосида бепул уй билан таъминланди.

– Бир неча йилдирки, беморлигим туфайли тўшакка миҳланиб қолганман, – дейди у. – Бошинг ёстиққа текканида оилангни, фарзандларингни кўпроқ ўйлаб қоларкансан. Ўз уй-жойимиз йўқлиги боис дарди-дунём баттар қоронгу тортарди. Халқпарвар Президентимиз томонидан бизга уй берилиши қалбимизга қувонч олиб кирди.

– Ўн етти йил мобайнида гоҳ дала шийпонида, гоҳо ММТ қоровулхонасида яшаб келдик, – дейди «Дўстлик» маҳалласида яшовчи Матлуба Алиқулова. – Турмуш ўртоғим ишсиз эди. Давлатимиз кўмағида ўз бошпанамизга эга бўлдик. Турмуш ўртоғим туман ободонлаштириш бўлимига ишга жойлашди.

Шу кунларда Ургутда ҳам бир неча хонадонда ҳовли тўйлари бўлиб ўтди.

тутилган шу сингари вазифалар ижроси доирасида моддий эътиборга муҳтож, уйсиз ёки уй-жойи яшашга яроқсиз кўринишдаги хонадонлар аҳоли ўрганилди.

Мазкур жараён давомида Бухоро вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгашида тузилган ишчи гуруҳ аъзолари О.Омонова ва фарзандларининг турмуш шароити билан танишди. Яқинда бу оила қишлоқнинг бошқа ҳудудидан капитал таъмирланган, 15 сотихли уй олиб берилди. Тўрт хонадан иборат, ошхона ва қўшимча биналарга, томорқа майдонига эга ушбу янги уй Аҳмедовлар хонадонига янгича ҳаёт бошлаши, рўзғорни бут қилиши учун туҳфа этилди.

Ердан шу билангина чеклангани йўқ, Мутасаддилар бу оилага гиламлар, турли рўзғор буюмлари, машиий техника воситаларини ҳам олиб беришди. Бундан ташқари, энди хонадон аввалгидек газ, электр таъминоти, ичимлик суви йўқлигидан қийналмайди.


Маҳаллий ҳокимлик билан ҳамкорликда бажарилган бундай хайрли ишларга 75 миллион сўмлик маблағ сарфланди. Ўз навбатида, О.Омонова ҳудуддаги фермер хўжалигига, ўғли Ёмғир эса жамоатчи сифатида ишга жойлаштирилди.

Тазкидлаш жоизки, шу каби сазой-ҳаракатлар натижасида ҳозиргача Бухоро вилояти бўйича 54 та эҳтиёжманд оила бепул уй билан таъминланди.

Кунга кеча Олот туманида хонадон соҳибларига янги уйларнинг калитларини тантанали топириш маросимлари ўтказилди. Мазкур тадбирларда касаба уюшмасининг туман кенгаши, маҳаллий ҳокимлик ва маҳаллалар вакиллари иштирок этди.

Рустам ИБРОҲИМОВ,
«Ishonch» мухбири

Янги уй – янги ҳаёт



Олотлик Олтин Омонова – тўрт фарзанднинг онаси. Икки йилча муқаддам турмуш ўртоғи бахтсиз ҳодиса сабаб вафот этган, рўзғорнинг бутун оғирлиги унинг бўйнига тушди. Бахтга қарши, у тузук-қуруқ иш тополмай, анча сарсон бўлди. Тўнғичи – йигирма ёшли Ёмғир Аҳмедов ҳам ишсизликдан қийналди. Унинг ордидан уч синглиси улғайпти. Демак, яқин-орада ташвишлар яна ҳам ортади. Қизларни ўқитиш, ишга жойлаштириш, узатиш керак. Қолаверса, келин тушириш масаласи ҳам бор...

Олис тумандаги Кўлчовдирдек чекка қишлоқнинг хилват бир ерида истиқомат қилиб, даромад топиш, турмушни ўнглаш, тўрт нафар фарзанднинг эртасига замин ҳозирлаш осонми?! Полсиз, атрофи заҳдан нураб, абгор ҳолга келган уйда яшаб келган бу оила шу пайтгача боқувчисини йўқотганлик нафақаси билангина кун кечирар, энг зарур эҳтиёжларини ҳам амал-тақал қилиб қондирарди. Зовур бўйидаги ўша хароб уйда рисоладагидек яшаш учун шароит йўқ эди.

Муаммолар гирдобидида қолган хонадон вакиллари бахтига улар каби эҳтиёжманд оилаларни Республика Давлат бюджети, Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ва «Маҳалла» хайрия жамоат фонди маблағлари ҳисобидан уй-жой билан таъминлаш тадбирларига киришилди. Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 12 сентябрдаги «Аҳолининг кам таъминланган қатламларини қўллаб-қувватлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қароридида кўзда

Бунга эришдик ҳам, – дейди оғир атлетика бўйича ўсмирлар ўртасида ўтказилган Жаҳон чемпионати олтин медали соҳибаси, жаҳон рекордчиси Кумушхон Файзуллаева. – Очиғи, олтин медалини қўлга кириштириш катта қийинчилик туғдирмади. Тинимсиз меҳнат, ўзимга бўлган ишонч менга катта куч бағишлади. Олимпиада ва пойтахтимизда ўтган Жаҳон чемпионатида ҳам худди шу рақибалар билан беллашганим. Орттирилган тажриба қўл келди, назаримда. Режаларим бисёр. «Токио – 2020» олимпиадаси ўйинларига йўлланма берувчи мусобақаларда очколар йиғиб, юқори ўринларни эгаллаш.

Жисмоний тарбия ва спорт-соғломлаштириш бошқармаси қошидаги Республика ихтисослаштирилган болалар-ўсмирлар спорт мактабидида тахсил оламан. Бизга яратиб берилётган шарт-шароитлар, имкониятлар учун

золарини 2020 йили Токиодан ҳам ғалабалар билан кутиб олайлик. Ҳар бир ўзбек онасига фарзандининг камолини кўриш насиб қилсин. Қизим меҳнатига, ҳаракатига яраша

ЭНДИГИ МАҚСАД — ТОКИО


– Қизимнинг улкан ютуғидан бошим кўкка етди, – дейди Кумушхон Файзуллаеванинг онаси Орузгул Турсунова. – Муҳтарам Президентимизга, устозларига ҳамда касаба уюшма фидойиларига раҳмат айтаман. Илоҳим, қизим ва терма жамоа аъ-



– Шогирдингиз бирон-бир ютуққа эришса, ўзингиз ғалаба қозонганингиздан ҳам кўра кўпроқ қувонар экансиз. Кумушхоннинг 17 ёшида жаҳон рекордини ўрнатиб, байроғимизни кўкка кўтаргани оламшумул воқеадир, – дейди Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси тизимидаги Жисмоний тарбия ва спорт соғломлаштириш бошқармасига қарашли Республика ихтисослаштирилган болалар-ўсмирлар спорт мактаби катта тренери Фарҳод Мирзажонов. – Олимпиада олимпиада ўйинларига лицензия берадиган Осиё, Жаҳон чемпионатлари турибди. Уйлайманки, Кумушхон ушбу мусобақаларда ҳам юқори ўринларни эгаллашди.

КАСАБА УЮШМАЛАРИДАН МИННАТДОРМАН

– 2018 йилги олимпиададан сўнг барча мендан ғалаба кутган эди.



Бор бўл, оқибат!
Мўйноқ туманида амалга оширилган кенг қўламли бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишларидан, албатта, хабардоримиз. Айни дамда туманининг олис овулларида ҳам хайрли ва савобли юмушлар бажарилаётир.

Хайрли ишларга энг шимариб...

«Учсой» ОФЙ ҳудудида яшовчи З.Илясова, О.Емберганаев ва Қ.Ўтеулиевнинг турар жойга эҳтиёжмандлиги аниқланиб, руйхатга олинган эди. Ниҳоят, уларнинг орзуси рўёбга чиқди – янги уйлар берилди. Бугина эмас. Овулда яшовчи 16 та оиланинг уйларида йирик таъмирлаш ишлари бажарилди.

Эзгу ишлардан саховатпеша ҳомишлар ҳам четда турмади. «Устортгаз» масъулияти чекланган жамияти 12 та хонадонга беиминнат ерданлашди. Яна бир фуқаронинг шароити ўрганилиб, яшаб турган жойининг томи шиферлаб берилди.

Хайрли ва савобли ишларга бош қўшиш ниятида энг шимариб ўртага чиқарилган меҳридор, олижаноб халқимиз бор экан, ҳеч ким меҳр-оқибатдан четда қолмайди.

Ортиқбой МАМУТОВ,
«Ishonch» мухбири

яшовчи Нилуфар Узоқова. – Имтиёзли кредит эвазига 2 бош соғин сигир сотиб олдим. Ҳозир қорамолларимиз сони 4 тага етди. Сут-қатиқнинг рўзғордан ортганини сотаямиз. Давлатимиз кўмағида қаддимизни тиклаб олдик.

Исон бу дунёда умид ва ишонч билан яшасанига ўзини бахтли ҳисоблайди. Бугун одамларнинг орзу-ўйлари, интилишлари давлатимиз томонидан қўллаб-қувватланмоқда. Тилаклар ушалишига кўмаклашилмоқда. Бизнинг қаламга олганларимиз улуғвор ишларнинг бир шингилли холос.

Нурилла ШАМСИЕВ
«Ishonch»



Кумушхонга фақат «олтин» ярашади

ғалабани қўлга киритди. Хали ёш бўлишига қарамай, тинмай машғулот ўтказди. Изланади. Кейинги йил Токиодан ҳам олтин медалга ва дунё рекордини қайд қилишни дилига тункан.

ХУЛОСА ЎРНИДА

Она заминимиз азалдан кураги ерга тегмаган полвонлар, тоғни урса, талқон қиладиган алп йигитлар-у Барчинойдек қизлар камол топган гўша. Йигит-қизлар қонида буюк аждодларнинг кутлуг қони оқмоқда, жўш урмоқда. Тўмарис, Барчинойдек момоларнинг вориси сифатида волга етаётган Кумушхон Файзуллаева ҳам улкан марралар сари дадил одимлаётир. Унга бу йўлда баркамоллик, куч-қувват, аждодлар руҳи-поки маддакор бўлишини тилаймиз.

Давронбек ОРИПОВ,
«Ishonch» мухбири
Иқром ҲАСАНОВ
олган суратлар



Хоразм вилояти



Долзарб мавзу



Самарқанд вилояти

Муҳокама

КАСАБА УЮШМАСИ ВА ХОТИН-ҚИЗЛАР

реал ҳолат таҳлилида нималар акс этмоқда?

Бугун жамиятимизда ишловчи аёлларга қандай шарт-шароитлар яратилмоқда, уларнинг муаммолари нималардан иборат? Албатта, ишловчи аёллар манфаатларини ҳимоя қилиш масаласи касабани уюшмаларнинг доимий диққат марказида, бу борада бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Шу билан бирга олдимизда ечимини кутаётган вазифалар ҳам турибди.

Хоразм вилояти касабани уюшма ташкилотлари бирлашмаси хотин-қизлар билан ишлаш комиссияси раиси Муяссар Раҳимованинг таъкидлашича, хотин-қизлар манфаатларини ҳимоя қилишда жамоа шартномалари муҳим аҳамият касб этади. Хусусан, жамоа шартномалари ва келишувлари орқали 2018 йилда нодавлат мулк шаклидаги 237 та корхона ва ташкилотда меҳнат қилаётган 376 нафар бола аёлларга ойлик маоши сақланган ҳолда иш вақтини ҳафтасига 35 соатдан ошмайдиган қилиб белгиланиши жорий этилди. 303 та корхонада ишлаётган 2 ёшдан 3 ёшгача бола парвариши учун таътилда бўлган 525 нафар ёш онага 103

миллион 553 минг сўмлик моддий ёрдам берилди. Эҳтиёжманд, боқувчисини йўқотган оилалар фарзандлари учун ўқув қуроллари, дарсликлар харид қилиш харажатларини қоплаш учун 938 та корхонада 2641 та оилага 139 миллион 710 минг сўм сарфланди. Кам таъминланган 2305 нафар ёш оилалар вакилларига 379 миллион 422 минг сўм моддий ёрдам берилди. Олий ўқув юртурларида таҳсил олаётган 86 нафар талабаларнинг контракт пуллари бир қисмини қоплашга корхоналар ҳисобидан 126 миллион 473 минг сўм сарфланди. Уй-жой қуриш ва мамлакатимизда ишлаб чиқарилган, узоқ мuddат фойдаланиладиган товарларни харид қилиш учун 75 нафар

оилага 281 миллион 450 минг сўмлик фойсиз ссудалар, сафарбарлик заҳирасидаги ҳарбий хизматга қақирлиши муносабати билан 31 та корхона ва ташкилотда 38 нафар ходимга 79 млн. 900 минг сўмлик фойсиз ссудалар берилди. Қолаверса, Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Хива каби тарихий шаҳарларга ҳамда ҳудуддаги диққатга сазовор қадимжоларга 20522 нафар касабани уюшма аъзолари ва улар оилаларининг саёҳатлари уюштирилди.

Бироқ ҳамма ишловчи аёллар ҳам ушбу имтиёزلардан фойдаланиш ҳуқуқига эга эмас. Айрим корхона ва ташкилотларда жамоа шартномалари бандлари ижроси тўлиқ таъминланмаётганини ҳам кўриш мумкин, – дейди Муяссар Раҳимова. – Ҳўш, зарари ишларда ишловчи аёлларнинг иш ўрни шаҳодатланганми? Тунги ишларга жалб қилинган аёлларга тегишли тартибда ҳақ тўланаптими? Афсуски, ҳамма жамоаларда ҳам эмас. Ободонлаштириш бошқармасида, қишлоқ хўжалигида ишлаётган аёллар ҳақида гапирмай турайлик. Биргина банк-молия тизимини олайлик. Тижорат банклари касаларида асосан аёллар меҳнат қилади. Зарарли ишда ишловчи бу аёллар саломатлиги тўғрисида фамхўрлик кўрсатилаптими? Улар ўз вақтида тиббий кўрикларга жалб этилаптими? Кассалар ҳавонинг тозаланиши сақловчи ускуналар билан жиҳозланганми? Ишловчи аёллар ҳимоя воситалари билан таъминланганми? Бу саволларнинг жавоби, афсуски, йўқ.

Ҳикмат

Бахтимиз мукамал бўлиши учун атрофимиздаги одамларнинг хайрихоҳлиги ва ёрдамига муҳтожмиз, атрофимиздаги одамлар эса биз уларнинг бахти йўлида тер тўкишга қай даражада тайёр турсак, улар ҳам шу даражада бизни севши ва ҳурмат қилиш, режаларимизда ёрдамлашиш, бизнинг бахтимиз йўлида тер тўкишга рози бўладилар, бу зарурий алоқани маънавий бурч, маънавий вазифа деб атайдилар.

П. ГОЛБАХ

Сурхондарё вилояти

Касабани уюшма ҳаёти

Ишчи қадри

«Термиз халқаро аэропорти» давлат унитар корхонасида меҳнат қилаётган 388 нафар ишчи-ходимнинг ҳар бирида масъулият ва изланувчанлик ҳисси кучли. Бунинг сабаби бор...

Кунларнинг бирида директор Ш.Қобилов касабани уюшма етакчиси З.Нажмиддинов билан суҳбатда шундай деди:

– Очиги, энди ишимизда туб бурилиш ясашимиз керак. Бунинг учун, энг аввало, ишчи-хизматчилар меҳнатини рағбатлантириш, қулай иш шароитлари яратиш, қолаверса, уларнинг қалбига қулоқ тутишимиз талаб этилади. Бошланғич касабани уюшмасининг йиғилиши қақирилиб, ҳар бир ишчидан таклиф олинди. Шу асосда жамоа шартномасига қўшимчалар киритилиб, ижросини таъминлашга масъуллар бириктирилди. Яқинда корхонада 2017-2021 йиллар учун қабул қилинган жамоа шартномасининг бажарилишига бағишланган йиғилишда ходимларга 50 турдан ортқ ижтимоий ёрдамлар кўрсатилаётгани таъкидлаб ўтилди.

«Термиз халқаро аэропорти» ДУК маъмурияти ва касабани уюшма кўмитаси ўртасидаги ижтимоий шериклик самарасидир.

Бундан ташқари, жамоа аъзоларидан 32 нафарига фарзандли бўлганида энг кам иш ҳақи миқдоридида бир марталик нафақа бердик. 96 нафар ишчи-ходимга вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик даври учун нафақа тўладик. 3 нафарига соғлигини қайта тиклаш учун фойдаланган тиббий хизмат харажатининг 50 фоизи қоплаб берилди. Биринчи марта ниқоддан ўтган 2 нафар ходимга энг кам иш ҳақининг 10 баравари миқдоридида тўғна тақдим этилди. Оила аъзоси вафот этган 11 нафар ҳамкасбимизга эса энг кам иш ҳақининг 5 баравари миқдоридида моддий ёрдам ажратдик.

Буларнинг барчаси «Термиз халқаро аэропорти» ДУК маъмурияти ва касабани уюшма кўмитаси ўртасидаги ижтимоий шериклик самарасидир.

Рустам ДАВЛАТОВ,
«Ishonch» муҳбири



Сарҳисоб

Мақсадли саъй-ҳаракатлар баҳоси

Фанлар академияси ўсимлик моддалари кимёси институтида муассаса маъмурияти ва ходимлари ўртасида 2016-2020 йиллар учун тузилган жамоа шартномасининг 2018 йил якунлари бўйича йиғилиш ўтказилди. Унда Ўзбекистон касабани уюшмалари Федерацияси бўлим мудири Маҳмуджон Исаев, Ўзбекистон таълим, фан ва маданият ходимлари касабани уюшмаси Республика кенгаши раиси ўринбосари Маҳмуд Бобоёров, ЎзФА Бирлашган касабани уюшма кўмитаси раиси Шерзод Жўраев, муассаса ходимлари иштирок этди.

Йиғилишда дастлаб жамоа шартномаси шартларининг бажарилиши тўғрисида иш берувчи ва касабани уюшма кўмитаси раиси ҳисоботлари тингланди.

Таъкидланганидек, институтда ўтган йилда жамоа шартномаларига мувофиқ ходимларга ниқод тўйи муносабати билан моддий ёрдам бериш, шунингдек, уларни юбилей саналари ва пенсия ешига етиши сабабли рағбатлантириш чоралари кўрилди. Қулай ва хавфсиз меҳнат шароитларини яратишга алоҳида эътибор қаратилиб, барча ходимлар ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларидан сугурта қилинди. Тиббий кўриқдан ўт-

– Ҳамма корхона ва ташкилотлар, хусусан, хусусий тадбиркорлик субъектлари касабани уюшмасига жалб қилинмаганлиги туфайли айрим ишловчи аёллар меҳнатини муҳофаза қилиш, ижтимоий ҳимоясини таъминлашда муаммолар юзага келмоқда, – дейди Хоразм вилояти ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар кўмитаси раиси Гулсара Қурбонбоева. – Ҳали ўз уйида хунармандчилик, томорқа, паррандачилик ва фаолиятнинг бошқа турлари билан шуғулланаётган аёлларнинг ҳаммасига ҳам меҳнат дафтарчалари очилмаган. Бунинг оқибатида аёлларимизнинг ижтимоий ҳимояси таъминланмаган, улар пенсия ешига етганда тегишли тартибда пенсия олиш имконидан маҳрум бўлиб қолмоқда. Бугун хотин-қизлар кўмитаси ва касабани уюшмаси тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда касабани уюшмасига жалб қилинмаган аёлларни инвентаризациядан ўтказиш, уларнинг қонуний манфаатларини таъминлашга қаратилган йўл харитаси ишлаб чиқиш ва таъсирчан чоралар кўриши зарур, деб ҳисоблайман.

Шу билан бирга, ишловчи аёллар ўртасида белгиланган тартибда ходимлар гимнастикаси йўлга қўйилмапти. Тадбиркор аёллар меҳнат қонунчилигидан яхши хабардор бўлмаганлиги туфайли фаолиятларида муаммоларга дуч келишмоқда. Ҳўш, бу борада мақбул ечим борми?

– Жиноятга қўл урган, ўз жонига қасд ва суқасд қилган, нотинч турмуш кечираётган аёлларимиз орасида турли жамоаларда фаолият кўрсатаётган опа-сингилларимиз бор, – дейди Гулсара Қурбонбоева. – Касабани уюшмалари билан ҳамкорликда улар учун маънавий-маърифий тадбирлар уюштириб борсак, маънавият соатларида миллий анъана ва қадриятларимиз, меҳр-оқибат хусусида суҳбатлар уюштирсак, қолаверса, индивидуал мулоқотлар ўтказиб, муаммоларини ўргансак ва уларни ҳал қилишга кўмаклашсак, кўплаб салбий ҳолатларнинг олдини олган бўла-

Афсуски, ҳамма салоҳиятли аёллар ҳам оилавий, маиший, ижтимоий муаммолари туфайли ўз иқтидорини тўлиқ намоён қилиш имконига эга эмас. Шу боис, хотин-қизларнинг ижтимоий фаоллигини кучайтириш мақсадида ишловчи аёлларга яратилган маиший шароитларни янада ошириш мақсада мувофиқ, бу борада эса ҳали ечимини кутаётган муаммоларимиз кўп. Демак, изланишимиз, ҳамкорлигини кучайтиришимиз керак.

Муҳаббат ТўРАБОЕВА
«Ishonch»



Пастдарғом туманидаги 28-ихтисослашган давлат умумтаълим мактаб-интернатида бўлиб ўтган жамоа шартномаси муҳокамасига бағишланган йиғилишда кўплаб масалаларга оидинлик киритилди.

Муаммо ечими – ҳамжиҳатликда

Очигини айтганда, мактаб-интернатда меҳнат муҳофазаси, хавфсизлик техникасига амал қилиш анчайин қониқарсиз аҳволда бўлиб, бу масала билан шуғулланадиган мутахассис штат бириги йўқлиги боис оғзаки топшириқлар кўпинча ҳавода қолаётган эди. – Ҳўш, бу борада мақбул ечим борми? – дейди директор Музафара Абдиева. – Таълим даргоҳимиздаги ўқитувчи ва мураббийлар муҳофаза талаблари бўйича етарлиқ билим, кўникмага эга бўлишлари керак. Бу масалада амалий кўмак сўраб тармоқ касабани уюшмалари ташкилотига мурожаат этдик.

Касабани уюшмалари ташкилотига мурожаат қилишга кўмаклашсак, кўплаб салбий ҳолатларнинг олдини олган бўла-

Яна рақамларга мурожаат қилишимиз: ўтган даврда 19 нафар ходим касбий маҳорати, синфдан ташқари ишлари, 20 нафар ходим турли кўрик-танловлардаги фаол иштироки учун рағбатлантирилган. 6 нафар ишловчига сихатгоҳларда саломатлигини мустаҳкамлаш ва турли кўникмасизликларнинг олди олинишига кўмак бермоқда.

Йиғилишда ходимларнинг рағбатлантириш, қўшимча ишлар учун ҳақ тўлашга доир масалалар таҳлил этилди. Бугунги кунда жамоа аъзоларининг 9 нафари «Халқ таълими аълочили» мақомига эришганининг ўзиёқ меҳнат муҳити мўътадиллигини далолатдир. Ўқитувчининг меҳнати шоғирдлар билим даражаси, уларнинг синовлардаги ўрнида ҳам кўринади. Мазкур даргоҳда билим олаётган ўқувчиларнинг 16 нафари фан олимпиадасининг туман босқичида ғолиб чиққан. Вилоят босқичида иштирок этган 7 нафар ўқувчи шоҳсупадан жой олган. Билимлар беллашувида туманда 18, вилоятда 9 нафар ўқувчи ғолибликни қўлга киритган. «Инновацион олимпиада»да икки нафар ўқувчи вилоят, республика босқичларида иштирок этиб, муносиб

– Мактабимизда 2017-2019 йиллар учун имзоланган жамоа шартномасининг барча бандлари ижроси бўйича ҳеч қандай эътирозимиз йўқ, – дейди мактаб-интернат тарбиячиси Асрор Ҳанов. – Хусусан, унга энг ходимларнинг уй-жой шароитини яхшилаш банди ҳам киритилган. Маъмурият ва бошланғич касабани уюшмаси кўмагида энг ёш ходим сифатида арзонлаштирилган намунавий уйлاردан бирига эга бўлдим. Жамоа бир овоздан икки йил мобайнида амалда бўлган муҳим ҳужжатда кўзда тутилган афзалликлар ижросини қониқарли, деб топди.

Йиғилишда Самарқанд вилояти касабани уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси ўринбосари Акбар Қодиров, ЎзКУФК меҳнатқашларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш бўлими мудири Маҳмуджон Исаев иштирок этди.

Очқ мулоқот тарзида бўлиб ўтган семинарда меҳнат соҳасида ижтимоий шериклик асослари муҳокама этилди.

тақдирланган. «Йилнинг энг яхши ўқитувчиси» кўрик-танловида уч нафар фан ўқитувчиси туман, вилоят босқичлари ғолиби саналишди. Хуллас, ҳавас қиларли кўрсаткичлар оз эмас.

– Моддий манфаатдорлик иш даражасининг яхшиланишига, ходимни эса изланишга ундайди, – дейди инглиз тили ўқитувчиси Шохиди Асадова. – Ўқитувчининг меҳнатига ҳақ тўлаш муносиб тарзда яхшиланди. Изланувчан ўқитувчинини маъмурият ҳам моддий жиҳатдан кўплаб келаётди. Масалан, мен 4 миллион сўмдан зиёд миқдорда иш ҳақи оляпман. Бу рўзгор тебратилишимизга бемалол етади. Шундай бир шароитда ўзимни кўрсатмаслигим мумкинми, ахир!

– Мактабимизда 2017-2019 йиллар учун имзоланган жамоа шартномасининг барча бандлари ижроси бўйича ҳеч қандай эътирозимиз йўқ, – дейди мактаб-интернат тарбиячиси Асрор Ҳанов. – Хусусан, унга энг ходимларнинг уй-жой шароитини яхшилаш банди ҳам киритилган. Маъмурият ва бошланғич касабани уюшмаси кўмагида энг ёш ходим сифатида арзонлаштирилган намунавий уйлاردан бирига эга бўлдим. Жамоа бир овоздан икки йил мобайнида амалда бўлган муҳим ҳужжатда кўзда тутилган афзалликлар ижросини қониқарли, деб топди.

Йиғилишда Самарқанд вилояти касабани уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси ўринбосари Акбар Қодиров, ЎзКУФК меҳнатқашларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш бўлими мудири Маҳмуджон Исаев иштирок этди.

– Ижтимоий шериклик тамойилнинг амалдаги самараси тобора яққолроқ намоён бўлмоқда, – деди Самарқанд вилояти касабани уюшма ташкилотлари бирлашмасида бир қатор бошланғич ташкилотлар етакчилари иштирокида бўлиб ўтган семинарда сўз олган Ўзбекистон касабани уюшмалари Федерацияси бўлим мудири Маҳмуджон Исаев. – Қўйи касабани уюшма ташкилотларида амалий ёрдам кўрсатиш доирасида ўнга яқин бошланғичлар фаолияти, жамоа шартномаси муҳокамасига доир йиғилишларда қатнашдик. Муҳими, бугун касабани уюшмаларининг саъй-ҳаракати билан манфаатлар қарама-қаршилиги, деган тушунча барҳам топган. Иш берувчилар билан мулоқотларда ижобийлик кўзга яққол ташланиб турибди.

Очқ мулоқот тарзида бўлиб ўтган семинарда меҳнат соҳасида ижтимоий шериклик асослари муҳокама этилди.

Нурилла ШАМСИЕВ,
«Ishonch» муҳбири

Ўз муҳбиримиз

«Миллий ғоя» яна тикланадими?

Кейинги уч йилдаги расмий маъруза ва қарорларда «Миллий ғоя» тўғрисида учрамайди. Шу боис баъзи мутахассислар «биз миллий ғоядан воз кечаямиз, ҳатто ўқув юртларидаги мазкур предметга тааллуқли соатлар қисқарди, бошқа предметлар билан тўлдирилди», деган фикрни такрорлай бошлади. Президентимиз Шавкат Мирзиёев Олий Мажлиси Мурожаатномасида (2018 йил, декабрь) миллий ғоя масаласини муҳим вазифа сифатида тилга олганида юқоридagi фикрни билдирганлар «қарсак чалишди», — «ҳа, миллий ғоясиз қаерга борамиз?».

Президентимиз ўз амбицияларига берилиб, мамлакатни ривожлантиришга прагматик ёндашувни маъқул кўрди. Илғор давлатлардаги тадбиркорлик, бизнес билан давлат ҳамкорлиги, фуқаролик жамияти институтларининг инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиши, инвестиция сиёсатининг халқ ҳўжалиги ривожланишига таъсиридан илҳомланди. Кези келганда, миллий тараққиёт миллий ғоясиз бўлиши мумкин эмаслигини барчага эслатиб қўйди.

Ж.Дьюи каби файласуфлар уни ғоявий асослашга тушдилар. Наф, фойда кўриш, ҳар бир фаолиятни, изланишни бойлик тўплаш билан боғлаш ғояси икки-уч аср ичида АҚШни дунёдаги етакчи давлатга айлантди. Давлатимиз раҳбарининг инвестиция ва инновация ривожланишига қаратилган сиёсати кишига АҚШ прагматизм сиёсатини, миллий ғоясини эслатади.

Миллий ғоя бизга керакми? Кейинги уч йил ичида бу соҳада аввалги йиллар «шов-шув кўтарган мутахассислар»нинг бирортаси ҳам оғиз очмади. Ҳаммадан аввал улар ўз этиқодидан, предметида воз кечишгаддек бўлди? Нега? Уларнинг заифлиги конъюнктурага мувофиқ эди. Чоп этилган ўқув қўлланмалари, дарсликлар ва ҳимоя қилинган диссертацияларга қаранг — расмий фикрни тўлдирган, бойитган, у билан баҳолашган бирорта ҳам асарни тополмайсиз. Уларда бир-бирини такрорлаш, тавтология ҳукмрон. Фалсафа йўналишида ўтган йигирма олти йил ичида, ҳисоб-китобларимга кўра, 11 номзодлик, 3 докторлик диссертацияси ёқланган. Педагогика, тарих, социология, политология, маънавият бўйича ёқланган диссертацияларнинг барчаси миллий ғояни

ривожлантиришни ваъда қилади, лекин ушбу фан номзодлари ва фан докторлари кейинги уч йилда қаерга ғойиб бўлишди? Ахир, улар илмий этиқодини ҳимоя қилиши, ҳуқуқат олдида миллий ғояни шакллантиришни алоҳида масала сифатида қўйиши керак эмасмиди?

Ҳўш, миллий ғоя қандай бўлиши керак? Демократик тараққиётнинг янги босқичи унинг олдида қандай талаб қўяди?

Биринчидан, ўзбек халқининг шаклланишида турли элат ва этнослар муҳим роль ўйнаган. XX аср ўзбек халқининг бойлик тўплаш билан боғлаш ғоясини интернационализм тарафдори эканини кўрсатди. Шунинг учун миллий ғоя — умуммиллий, умумхалқ ғояси бўлиши мумкин.

Иккинчидан, миллий ғоя тарихий-маданий тараққиётга, халқларни, миллатлар вакилларини бирлаштирган тажрибаларга, бу борада этноараққиётни сезиларли из қолдирган буюк шахслар ибратига таяниши зарур. Шу ўринда XX аср бошларида яшаб, миллат тараққиёти учун қайғурган жадидчи аждодларимизни тилга оламиз. Империя тузиш учун халқларни халқларга зид қўйган, мутаассибликни ғоя қилиб олган саркардалар эмас, миллатни маънавий-маърифий етуқликка қорлаган закийлар миллий ғоя предметида идеал бўлиши зарур.

Учинчидан, илм-фан, ҳурфикрлик ва маърифий ривожланишнинг асосий душмани — догма, мутаассиблик. Миллий ғояни догмага, муқаддас қилиб қўйиб олиш керак. У жонли ҳаётга мувофиқ ривожланиб, такомиллашиб, ўзи билан ўзи баҳслашиб борадиган тараққур предмети бўлсин. Инсон ақл-у идрокни, изланишлари ҳурфикрликни истаётган

нида миллий ғояни догма тарзида ўқитиш кишида ҳайрат уйғотади.

Тўртинчидан, миллий ғоя ватанпарварлик, халқсеварлик, альтруизм каби гуманистик қадриятларсиз бўлиши мумкин эмас. Халқ, миллат фидойи авлодлари туфайли боқий. Космополитизм — халқсеварлик адуви. Ватанини эса унинг бойликлари учун севмайди. Альтруизм орқали биз ким учун, нима учун яшаётганимизни ифода этамиз. Ушбу фазилатларни ёшлар қалбига сингдирилган ғоя эъзозланишга арзийди.

Бешинчидан, халқ, миллат ўзининг давлати билан муқаррар. Бугун давлатсиз халқ, миллат тарих саҳнасидан тушиб қолади. Миллий ғояни шакллантиришнинг бош субъекти — давлат! Ушбу ғоя, ўз навбатида, давлатни мустақкамлаш, ташқи хавфлардан асраш ва унга муносиб шахсларни тарбиялашга ҳам хизмат қилади.

Ўзининг барқарорлигини таъминламоқчи бўлган ҳар бир давлат миллий ғояни ўз фуқаролари қалбига сингдиришни биринчи галдаги вазифаси деб билади. Миллий бирлик ғояси ўрнига кайф-сафо ва ишратда яшашни фуқаролари қалбига жо этган Рим империясининг ёки ғайриҳаётий, ҳавойи коммунистик жамият қуришни орзу қилган совет тузумининг қулагани бизга сабоқ бўлиши керак. Миллий ғоя халқни, миллатни бугун кўришни истаётган ютуқларга ундаши билан «қайта тикла-ниш»га муносиб.

Виктор АЛИМАСОВ,
фалсафа фанлари доктори



«Ishonch» йўлланмаси билан

Дўмбирам

Равшан бахши

Равшан бахши 1969 йил 7 октябрда Сурхондарё вилоятининг Деннов туманида туғилган. Термиз Давлат университетини тамомлаган. У отаси — Ўзбекистон халқ бахшиси Бобораим бахши Маматмуродовдан 40 дан ортиқ дoston, терма ва дўмбира куйларини ўрганган. 1984 йил вилоятда бўлиб ўтган бахши шоирлар кўрик танловида 1-ўрин, 1999 йил Термизда бўлиб ўтган «Алпомиш» дostonининг 1000 йиллигига бағишланган Марказий Осиё бахши шоирлари беллашувида 3-ўрин, 2002-2004 йилларда эса «Бойсун» баҳори халқаро очик фольклор фестивалида фаол қатнашиб, фахрли ўринларни эгаллаган.



Равшан бахшининг ижодий бисотида «Алпомиш», «Гўрўглининг туғилиши», «Маликаи айёр», «Қунтуғмиш», «Авазхон ота юртида», «Малла савдогар», «Дўрмоннома», «Сарвиғул», «Сулвон», «Жорқин Мاستон» каби ўнлаб дostonлар, 30 тадан ортиқ термалар, 20 тадан ортиқ дўмбира куйлари ўрин олган.

Равшан бахши ҳозирда Деннов тумани «Маданият уйи» директори сифатида бахшичилик санъати давомийлигини таъминлашга муносиб ҳисса қўшиб келмоқда.

Кел, дўмбирам сени кўлга олайин,
Дўстлар билан бирга-бирга бўлайин,
Мадҳини бугун куйга солайин,
Менинг билан бирга бўлган дўмбирам.

Чонағинга қарасам — тувданай,
Кўп созларнинг ичиди у яғона,
Сўзлариндан чиқади-да дурдона,
Менинг билан уфат бўлган дўмбирам.

Қиздай сулув жўнғанди-я дастанғиди,
Сурхон эла кўп кўйдинда-да ҳиссанғиди,
Оқостонада Ибрайим бобо дейди устанғиди,
Менинг билан ҳолдош бўлган дўмбирам.

Яхши ният, бу — элимга тилайман,
Ўзинг ёшсан, кучга тўлган билангин,
Икки шохли бўб турадди қулогин,
Менинг билан ҳолдош бўлган дўмбирам.

Сени чертсам, қайнаб чиқар булоғин,
Бугун бўлди бу элимга керагин,
Юза кирам момом тўқинди пўпагин,
Менинг минан бирга журган дўмбирам.

Уста бобом яхши ният туйғанди,
Пўпангини шўл момома кўйганди,
Уста бобом бугунингди бугунингди,
Менинг билан тенгдош бўлган дўмбирам.

Бу элатда олинди-да орларинг,
Хаққа жетгай айтиб журсанг зорларинг,
Қўллайдй-да эшон бобо пирларинг,
Икки дарё мисоли кўш бўлган торларинг,
Менинг билан доим журган дўмбирам.

Сўзларинг ҳам асал экан-а болдан,
Сени чертган эзанг толмаини холдан,
Сени чертсам, адашмайинда жўлдан,
Хопақонанг жўнлгандира толдан,
Менинг билан доим дўст бўлган дўмбирам.

Ҳосиллардай тўқ бўлган бошоғинг,
Қайга борсан тўшалади тўшагинг,
Икки ўрқачини туйгайин эшагинг,
Менинг билан уфат бўлган дўмбирам.

«Айт» деди-да, забон берди тилимга,
Ҳўжайи Хизр мадад берди журимга,
Бахши бўлиб журайин Ўзбек деган элимга,
Менинг билан бирга бўлган дўмбирам.

Ёзиб олувчи:
Ўқтам ҲАКИМОВ



Ҳикмат

Олижаноб ғояларсиз
инсоният яшай
олмайди.

Ф. ДОСТОЕВСКИЙ

Қува тумани ободонлаштириш бошқармаси касабаяушма кўмитаси ишчи-ходимлари ўртасида шахмат ва шашка бўйича мусобақа ташкил этилди.

Ақл чархи беллашуви



Кизгин кечган баҳслар натижасига кўра, эркалар ўртасида ободонлаштириш бошқармасининг инфратузилма бўлими бошлиғи З.Умурзаков барча ҳамкасбларидан устунлигини исботлаб, 1-ўринни эгаллади. Бошқарма ишчиларидан А.Ғофуров ҳамда Х.Абдуллаева иккинчи ва учинчи ўринларга насиб этди. Шашка мусобақасида эса биринчи ўринга назоратчи Т.Матқосимов, 2- ва 3-ўринларга бошқарма ишчилари А.Ваҳобов ва Р.Аскарлов муносиб деб топилди.

Аёллар ўртасида ўтказилган шашка мусобақасида ободонлаштириш бошқармаси ишчиси Н.Бозорова биринчи ўринни эгаллади. Толмозор шахарчаси кўкаламзорлаштирувчи ишчиси М.Абдуллаева 2-ўрин, ободонлаштириш бошқармаси ишчиси К.Бобораҳимов 3-ўринни банд этди.

Этиборли жиҳати, ободонлаштириш бошқармасига мавсумий ишга қабул қилинган аёллар ҳам мусобақада иштирок этди. Улар ўртасида кечган шашка мусобақасида Мавлудан Жўраева биринчи поғонадан жой олди. Гулнора Маматқулова 2-ўрин, Маъмураҳон Қўзиева 3-ўринни кўлга киритди.

— Бу каби тадбирлар ишчи-ходимлар ўртасида мунтазам равишда ўтказиб келинмоқда. Кўзланган мақсад ходимларнинг спортга бўлган қизиқишини янада ошириш, бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш ва уларни рағбатлантиришдир, — дейди туман ободонлаштириш бошқармаси касабаяушма кўмитаси раиси Нодираҳон Холбекова. — Мусобақа сабаб юзга яқин ходимлар ўзларининг ақл-идрокларини яна бир маротаба синовдан ўтказишди.

Ғолиблар касабаяушма кўмитасининг дипломи ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Жамшид ЭРГАШЕВ,
«Ishonch» мухбири

«Ўзтемирийўлназорат» жамоаси ғолиб!

Темирийўлчилар ва транспорт қурувчилари касабаяушмаси Республика кенгаши ташаббуси билан «Локомотив» марказий жисмоний спорт клубида тармоқ тасарруфидаги корхона аёллари ўртасида спартакиада ўтказилди.

100 нафарга яқин иштирокчи спортнинг стол тенниси, 100 метрга югуриш, шашка, баскетбол тўпини саватга тушириш ҳамда арқон тортиш турлари бўйича ўзаро беллашдилар. Ходимлар ўртасида соғломлаштириш, оммавий спортни кенг тарғиб этиш ва уларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш мақсадида ташкил этилган турнир қизгин ва муросасиз курашларга бой бўлди.

Якуний натижаларга кўра, стол теннисида 1-ўринни «Тошкент механика заводи» АЖ ходими С.Федина эгаллаган бўлса, 100 метрга югуриш баҳсларида «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ ходими Н.Беренгер мар-

рага биринчи бўлиб етиб келди. Баскетбол тўпини саватга туширишда «Тошкент йўловчи вагонларини қуриш ва таъмирлаш заводи» АЖ ходими Д.Эрматова энг яхши натижани кўйд этди. Шашкада Марказий темир йўл касалхонаси ходими Ў.Дрозд энг кўп очко жамғарди. Энг қизиқарли беллашув жамоавий арқон тортиш бўйича кечди десак, асло муболага бўлмайди. Спартакиада пухта ҳосил қилган «Ўзтемирийўлназорат» инспекцияси жамоаси вакиллари чапдастликлари билан йиғилганлар олқишига сазовор бўлишди. Чаққон ва зийрак қизлардан ташкил топган жа-



моа бешта учрашувнинг барчасида рақиблирини мағлуб этиб, ғолибликни кўлга киритди. — Мусобақадан катта завқ олдим, — дейди «Ўзтемирийўлназорат» инспекцияси жамоаси аъзоси Юля Семёнова. — Энг аввало, танишлар орттирдим, ҳамкасбларимни кўрдим. Инспекциямизда касабаяушмаси ташаббуси билан ташкил этиладиган спортнинг сузиш, стол тенниси, шашка каби тур-

лари бўйича мусобақаларда қатнашиб тураман. Тўплаган малакамиз бугун иш бериб, арқон тортиш баҳсларида ғолибликни кўлга киритдик. Бундан жуда мамнунимиз. Якунда барча иштирокчилар муносиб тақдирландилар.

Фирдавс ХАЙРИДИНОВ,
«Ўзтемирийўлназорат»
инспекцияси Ахборот хизмати
бошлиғи

ОПВ (одам папиллома вируси) қандай хасталик?

У ҳақиқатдан ҳам саратон ташувчисими?

лома вируси хавфли ўсма касалликларини келтириб чиқаришига кўра, юқори, ўрта ва паст онкоген гуруҳларига ажратилади. Жумладан, бачадон бўйни саратонини келтириб чиқарувчи одам папиллома вируси 16 ва 18 тартиб рақамига эга бўлиб, юқори онкоген гуруҳига киради.

Папиллома вирусини инфекциялар гуруҳи одам папиллома вируси келтириб чиқарувчи сурункали кечувчи бир гуруҳ юқумли касалликларни ўз ичига олади. Вирус асосан тери ва шиллик қаватларда сурункали яллиғланишни келтириб чиқариб, папилломалар ҳосил бўлишига олиб келади. Одам папиллома вирусининг бир неча турлари тери ва шиллик қаватларда турли хил касалликларга сабаб бўлади.

Юқумлими?

Вирус асосан жинсий йўл орқали, ҳамда маъий мулоқот пайтида зарарланган тери орқали юқиши мумкин. Қўл бармоқлари, товон, тананинг бошқа қисмларидаги сўгаллар ва жинсий аъзоларда пайдо бўлувчи ўткир учли кондилломалар одам папиллома вирусининг кенг тарқалган кўринишларидир. Вируснинг хавфли томони шундаки, унинг бир неча турлари оғиз бўшлиғи, жинсий аъзолар тери ва шиллик қаватларида хавфли ўсмалар ривожланишига сабаб бўлиши мумкин. Ҳо-

зирги кунгача унинг 200 дан ортиқ HPV турлари аниқланган бўлиб, улардан тахминан 30 таси генитал органларни инфекцияга олиб келиши мумкин.

ХАВФИ НИМАДА?

— Кечаётган воқеа ҳодисаларга реал кўз билан қарасак, жаҳонда бўлгани каби, Ўзбекистонда ҳам бачадон бўйни саратони барча ешдаги аёллар ўртасида кўрак бези саратонидан кейинги ўринда турадиган ва энг кенг тарқалган хасталик эканлигига амин бўлаемиз, — дейди Соғлиқни сақлаш вазирлиги ўринбосари Элмира Боситқонова. — Бачадон бўйни саратонидан вафот этиш барча ешдаги аёллар ўртасида кўрак бези ва ошқозон саратонидан кейин учинчи, туғиш ешидаги аёллар (15-44 еш) орасида иккинчи ўринда қайд этилган. Маълумотларга қараганда, ҳар йили Ўзбекистонда 1660 нафар аёл бачадон бўйни саратони касаллигига чалинмоқда.

ДАВО БОРМИ?

Ҳозирги кунда папиллома вирусини инфекцияларини даволашнинг барча маълум усуллари фақатгина улар келтириб чиқарган белгиларини йўқотишга қаратилган бўлиб, одам папиллома вирусининг организмдан тўлиқ чиқиб кетишини таъминламайди. Тана терисининг турли қисмларида (қўл



қафти, оёқнинг товон қисми ва жинсий аъзоларда) жойлашган сўгаллар ва ўткир учли кондилломалар асосан механик тарзда — суяқ азот (криотерапия), электр токи ёрдамида (электрокоагуляция), радиотўқинли пичок (радиотўқинли коагуляция), лазер нури ёрдамида (лазеротерапия) ва махсус маҳаллий қўланувчи дори воситалари ёрдамида куйдириб йўқотилади.

ОЛДИНИ ОЛИШ МУМКИНМИ?

Одам папилломаси вирусига қарши эмлаш аёлларда учрайдиган бачадон бўйни саратонининг олдини олишнинг самарали усулларида бири ҳисобланади. Ўсмир ешдаги қизларни режалли эмлаш келажақда касалланиш ҳолати ва бача-

Тиббиёт

дон бўйни касаллигидан ўлимни бартараф этишга ёрдам беради. ОПВга қарши режалли эмлаш дунёдаги 92 та давлатда, шунингдек, улар орасидаги ЖССТга аъзо Европа минтақасидаги 36 та давлатда ҳам қўлланиб келинмоқда.

Бачадон бўйни саратони жараёнларининг олдини олишдаги эмлаш ишларининг самарадорлиги уни кўлаб келатган Австралия, Канада, Дания, Ирландия, Швеция, Финландия, Янги Зеландия, Шотландия, АҚШ сингари давлатлар мисолида исботланган.

ЭМЛАШ ТАҚВИМИДА ЯНГИ ВАҚЦИНА

Миллий эмлаш календари бўйича юртимизда болалар 12 та бошқариладиган инфекцияга қарши давлат ҳисобидан профилактик эмланади. ОПВга қарши вакцинанинг 13-эмлаш сифатида жорий қилиниши эса яна бир оғир касаллик — бачадон бўйни саратони хасталигининг олдини олишга хизмат қилади.

Вакциналар жорий йилнинг биринчи ярмида юртимизга олиб келинди. Октябр ойидан бошлаб эса 400 миң нафарга яқин 9 ёшли қизлар мактабларда ва тиббиётнинг бирламчи бўғинларида эмланади. 2020 йил апрелида улар иккинчи марта эмланади.

Вакцина ЮНИСЕФ ҳисобидан таъминланади. Давлат эса умумий ҳисобда сарфланадиган маблағнинг 10 фоизини қоплаш орқали уни аҳоли орасида бепул татиқ этади.

Махлиё УМИРЗОҚОВА
«Ishonch»





Самарқанд вилояти

Халқаро мусобақа

Чавандозлар улоқ тортишди

Самарқанд вилоятининг Жомбой туманида халқаро улоқ-кўпқари мусобақаси бўлиб ўтди.

Вилоят ҳокимлиги, Ўзбекистон йилқиччилик ва от спорти федерацияси ҳамкорлигида ташкил этилган беллашувда юртимизнинг турли вилоятлари ҳамда Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Афғонистондан чавандозлар, от спорти федерацияларининг вакиллари иштирок этди.

Чапдаст, эпчил чавандозлар олтидан ортиқ туя, той, тана, 50 га яқин телевизор, музлатгич, кир ювиш машинаси, кўплаб гилам ва пул мукофотлари билан тақдирланди.

Мусобақа бош соврини – «Lasetti» автомобили жиззахлик Ориф полвон Шодиевга насиб этди. У пайариқлик Элёр Бойматовнинг «Пантерра» лақабли қорабайир тулпорига барча чавандозлардан устунлик қилди.

Ўзбекистон ва Қозоғистон чавандозлари ўртасида ташкил этилган бахсда 3-2 ҳисобда юртимиз полвонлари ғолибликни қўлга киритишди.

– Наврўз тантаналари анъанавий ўйинларимиз билан уйғунлашиб кетгани барчага манзур бўлмоқда, – дейди меҳнат фахрийси Садриддин Аслиддинов. – Кўклам юртимизга қут-баракати олиб келувчи айём сифатида элимизда эъзоли саналади. Бу бугун бўлиб ўтаётган тантаналарда ҳам намоён бўлмоқда.

Обод юртга байрамлар ярашади. Наврўзи оламни самарқандликлар юксак кўтаринчилик билан қаршилашмоқда.

Нурилла ШАМСИЕВ, «Ishonch» мухбири



Сирдарё вилояти

Президент ташрифидан сўнг ...

Жорий йилнинг 19 февраль куни давлатимиз раҳбари Сирдарё вилоятига ташрифи чоғида «Ўзпахтасаноат» акциядорлик жамияти олдида 2019 йил давомида вилоят ҳудудларида жами 32 та тикувчилик ва тўқимачилик корхонасини ташкил этиш ва уларда яратиладиган 4200 та янги иш ўрнига хотин-қизларни жойлаштириш вазифаларини белгилаб берди.

Ҳеч қанча вақт ўтмай – 17 кун ичида барча қулайликка эга тикув фабрикаси қад ростлади. Ховос туманидаги «Бунёдкор» маҳалласида иш бошлаган дастлабки енгил конструкцияли тикувчилик мажмуасига «SIRDARYO BARAKA CHEVARLARI» дея ном берилди. Ушбу лойиҳани амалга ошириш ҳисобига мазкур маҳаллада 140 нафар хотин-қиз доимий иш билан таъминланди.

Ишлаб чиқариш субъектининг очилиш тадбирида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари, Хотин-қизлар кўмитаси раиси Танзила Норбоева, Президент маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Улуғбек Муҳаммадиев ва вилоят ҳокими Ғофиржон Мирзаев иштирок этди.

Корхонанинг тўлиқ қувватларда ишга туширилиши натижасида йилга 8 млн. дона тайёр тикувчилик маҳсулотлари ишлаб чиқарилади. Энг асосийси, маҳсулотнинг 60 фоизини экспортга йўналтириш режалаштирилган.

Ховос туманидаги «Бунёдкор» МФЙда яшовчи Зулайхо Қобилова тикув фабрикаси иш

«SIRDARYO BARAKA CHEVARLARI» фаолият бошлади

бошлаганидан нихоятда хурсанд. Турмуш ўртоғи вафот этгандан сўнг рўзгорининг бор юки унинг елкасига тушди. Боз устига, икки нафар фарзанди II гуруҳ ногирони, бир нафари ҳали мактаб ўқувчиси. Эндиликда у уйига яқин ҳудудда севган ҳунари билан шуғулланиш имконига эга. Тикувчиликда 13 йиллик меҳнат стажига эга Зулайхо Корейя тикув машиналарида иш бажармоқда.

Озода МАМАДАЛИЕВА, «Ishonch» мухбири



Тарғибот

Президентимизнинг 2017 йил 23 майдаги «Ички ишлар органлари ёнғин хавфсизлиги бўлимлари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига асосан ҳафтанинг ҳар чоршанба куни «Ёнғинлар профилактикаси куни» деб белгиланган.

Хушёрлик ҳамisha керак

Шу муносабат билан Миробод тумани ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари бир қатор ташкилотларда ёнғин келиб чиқишининг олдини олиш мақсадида ўз тактик машғулоти ва иш жараёнларининг мураккаб жиҳатларини кўрсатиб, фуқароларнинг хавфсизлигини таъминлаш юзасидан амалга ошираётган ишларини намойиш этмоқда. Жойларда ўқув-машғулотларини ташкил этиш билан биргаликда ёнғин келиб чиқишининг олдини олиш бўйича ҳам тарғибот-ташвиқот ишларини амалга оширмоқда.

Тадбирлар давомида эътиборсизлик оқибатида қатта ёнғинлар келиб чиқиши ҳамда кўп миқдорда моддий зарар етиши, инсонлар ҳаёти хавф остида қолиши таъкидлаб ўтиляпти. Бу борада мутасадди идораларнинг ходимлари билан биргаликда мунтазам равишда белгиланган тартиб-қоидаларга риоя этилиши юзасидан кенг кўламли тушунтириш берилмоқда. Энг муҳими, ёнғин хавфсизлиги бўйича белгиланган тадбирларнинг тўла-тўқис бажарилишини таъминлаш чоралари янада кучайтирилмоқда.

Бегали ЖўРАЕВ, Миробод тумани ЕХБ раҳбари ўринбосари

Навоий вилояти

Карманага кўчиб кетаман!

Баҳорга ҳам етиб келдик. Сир эмас, қаш фаслида юртимизнинг кўпгина гушларига табиий ва суюлтирилган газ, электр энергияси билан боғлиқ муаммолар сезилди. Баъзи бир жойларда заҳарланишлар, ёнғинлар, қисқа туташувлар ҳам юз берди.

Ҳаётнинг сирасини айтадиган бўлсак, Навоий вилоятининг Кармана тумани халқи қиш фаслини роҳат-фароғатда ўтказишди. Ҳаттоки, бошқа туманларда яшаётган замондошларимизнинг баъзилари амалини қилиб, декабрь, январь, февраль ойларида Карманадан кўчим топдилар. Бугун «Карманага кўчиб кетаман!» деган ҳаёлда имконият қидираётганлар ҳам йўқ эмас. Негаки, ушбу туман қиш фаслида

мамакатимиз бўйича юз фоиз табиий газ билан таъминланган ҳудуддир. Бунда, албатта, республика, вилоят ва туман газ тармоқлари идоралари масъуллари, ҳокимият вакилларининг улкан хизмати ва ҳиссаси қатта. Юртимизда яна Кармана сингари тўлиқ газлаштирилган туманларнинг кўпайишини истаган ҳолда барчамиз энди кейинги қишни кутамиз.

Миннатдорлик

Нормурод МУСОМОВ, «Ishonch» мухбири

Меҳр-оқибатни боғловчи ришта



ИИВ Ёнғин хавфсизлиги институтининг бир гуруҳ ходимлари ва курсантлари ташаббуси билан уюштирилган ушбу тадбир маҳалламиз фаолларини бе-маҳалла фуқаролар йиғини раиси Хайрулло Акбаров. – Албатта, халқимизнинг кўнглини олишдек эзгу иш бўлмаса керак. Улар беминнат меҳнатлари билан кам таъминланган, ногирон ҳамда боқувчисини йўқотган ёлғиз қарияларнинг дуосини олишдек бахтга муяссар бўлишди. Халқимизда савоб ишни ҳар ким ҳар куни қилиш керак, деган нақлнинг кенг талқин қилиниши ҳам бежиз эмас.

– Баҳор келса, ҳамма жойда ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари бошланади. Мен ҳам мўъжазгина ҳов-

Ҳашар – элга ярашар!

лимизга гуллар ва мевали дархатлар экишни истар эдим, аммо жисмоний имкониятим чекланиб қолганлиги боис бундай ишларга ярамай қолганман, – дейди Сергели туманидаги «Жўнарик» маҳалласида яшовчи 2-гуруҳ ногирони Қобил Облақулов. – Лекин бугун хурсандчилигимнинг чеки йўқ. Сабаби, маҳалла фаоллари билан бирга Ёнғин хавфсизлиги институтининг бир гуруҳ курсантлари келиб мушуқлимини осон қилишди. Ҳовлимизда йиғилиб ётган қуриллиш буюмларини саранжом қилиб, экин-тикин ишларига ёрдам беришди. Уларнинг «ҳашар инсонларда меҳр-оқибат, одамийликдан сабоқ берувчи бебаҳо тарбиявий аҳамиятга эга тадбир, у ўзаро меҳр-оқибат ришталарини боғлайди. Шу боис, маҳаллаларимиз ободонлигига ҳисса қўшиш бизнинг йигитлик бурчимиздир», деган сўзларини тинглаб, бундай ёшларимиз юртимиз фахри, дея севиндим.

Бу каби тадбирлар ушбу ҳудудлардаги бошқа маҳаллаларда яшовчи кам таъминланган оилалар, яқка-ёлғиз кексалар ҳамда ногирон фуқароларнинг хонадонларида уй-жойларини таъмирлаш, ҳовлиларини ободонлаштириш ишлари бажарилди. Мевали ва манзарали дархатлар, гул кўчатлари экилди, дархатлар

Шерали АНВАРОВ, Ўзбекистон Республикаси ИИВ Ёнғин хавфсизлиги институти матбуот котиби Фарҳоджон ХўЖАЕВ, Ёнғин хавфсизлиги институти ўқитувчиси

Баҳор неъматлари

Табиат уйғонди. Баҳор шифобахш кўклатларини инъом этмоқда. Улардан тайёрланган таомлар дастурхонларимизни беэмоқда. Кўк сомса, кўк чучвара, кўк ош, ҳалим, гўжа, сумалак...

Қишдан сўнг организмимиз витаминлар, минерал моддалар, оқсил ва углеводларга ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ эҳтиёж сезиши тайин. Бу танқисликни кўклам кўклатлари ва гиёҳлари билан тўлдириш эса айни мўддоо. Хуллас, «илик узилди» пайтида гиёҳларнинг фойдали хусусиятларини билиб оламиз.

«Илик узилди»да – кони фойда

ЯЛПИЗ – БОШ ОҒРИҒИГА МАЛҲАМ

Баҳор даракчиларидан бири бўлган ялпиз нафақат кўклам таомлари учун ошқўк ва зирвор, балки доривор малҳам эканлиги билан ҳам ажралиб туради.

Халқ табобатида ялпизнинг қўлланилишига доир бир қанча тавсиялар мавжуд. Жумладан, ялпиздан тайёрланган қайнатма тиш ва томоқ оғриғи, милк яллиғлиқларини бартарф этувчи хусусиятга эга. Меъда-ичак фаолияти, қабзият кузатилганда, аёлларда ҳайз циклининг ўзгариши, тош касалликларида ҳам ялпизли қайнатма тавсия этилади.

Бош оғриғида чойга ялпиз қўшиб дамлаш ҳам фойдалидир. Хона шароитида гултувакда ялпиз ўстириш шамоллашнинг олдини олади.

ЖАҒ-ЖАҒ – ИШТАҲА ОЧАДИ

Халқ табобатида жағ-жағ қон тўхта-тиш хусусияти билан яхши маълум. Меъда, ўлка ёхуд бурун қонаши каби ҳолатларда ушбу гиёҳдан тайёрланган дамлама асқотади. Ўсимлик дамламаси ичдан қон оқишини тўхтатади. Жигарни тозалашда ҳам ушбу гиёҳ қўшилган сомса ва чучвара тановул қилинади.

Баҳорда халқимиз жағ-жағнинг ёш барглари ялпиз, исмалоқ ва бошқа ёввойи ҳолда ўсадиган ўсимликлар баргларига қўшиб, улардан кўк сомса ва чучвара пиширади. Жағ-жағ иштаҳа очади, меъда шираси ажралишини яхшилайди, енгил сурги ва ўт ҳайдаш хусусиятига эга.

Жағ-жағ уруғи хантал (горчица) ва қалампир ўрнида зирвор сифатида овқатга ишлатилади.

НОНУШТАГА – ИСМАЛОҚ

Исмалоқ баргида оқсил, ёғ, темир, мағний, калий ҳамда витаминлар бор. Парҳезунослар ҳисоб-китобига кўра, 500 грамм исмалоқда уч дона туҳум кучига эга калория бор. Шу боис исмалоқдан тайёрланган нонушта тўйимли ва фойдали саналади.

Абу Али ибн Сино унинг ички юмшатиш, кўкрак ва ўпкаларга фойдаси ҳақида алоҳида тўхталиб ўтган. Исмалоқнинг камқонликни даволаш ва иммунитетни яхшилаш хусусияти бор. Қолаверса, томирларни мустаҳкамлайди, ошқозонни беэмоқлигига ёрдам беради. Ҳужайраларнинг қарийишини секинлаштиради.

Исмалоқ баргининг қайнатмаси асаб тизими фаолияти бузилганда фойда беради.

Ушбу ўсимликни кўп сақлаб бўлмайти, акс ҳолда, таркибида организм учун зарарли тузалар кўпайиб кетади.

КЎКПИЁЗ – КЎКЛАМ ТУҲФАСИ

Қадимда денгизчилар очик денгизга чиқишдан аввал ўзлари билан қури-тилган кўкпиёз олиб кетар экан. У кемада тарқалиши мумкин бўлган инфекция касалликлардан ҳимоялаган. Ҳатто, қури-тилган кўкпиёз таркибида ҳам қон-томирлар деворини мустаҳкамлайдиган С дармондориси сақланиб қоларкан.

Кўкпиёз таркибидаги фитонцидлар бактерия ва инфекцияларга қарши курашади, табиий керотин моддаси сочининг тезроқ ўсишига ва мустаҳкам бўлишига ёрдам беради.

Ошқозон-ичак ва жигар хасталиқларининг оғир кўринишларидан азият чекувчи кишиларга бу кўклатни эҳтиёткорлик билан тановул қилиш тавсия этилади.

РАЙҲОН – ИФОРИДАН ДАВОСИ КЎП

Хиндистонда мазкур ўсимликни илохий деб ҳисоблашади. Уни инсонлар нафақат муаттар ифори сабаб, балки зирвор сифатида ҳам севиб истеъмол қилишади.

Чунки унинг таркибида барча витаминлар, макро ва микроэлементлар бор. Райҳоннинг баргларида 1,5 физгача эфир мойи бўлиб, улар юракнинг бир маромда уришини таъминлашга кўмаклашади, нафас олиш тизимига ижобий таъсир ўтказиши.

Барглари дамламасидан ангина ва стоматитда ғарғара қилиб, оғизни чайишда фойдаланиш мумкин. Бу табиий шифобахш восита киши оғиз бўлишига мавжуд бўлган микробларнинг 99 фоизини йўқ қилиш хусусиятига эга.

Райҳонда мавжуд бўлган шифобахш моддалар организм учун зарарли ҳисобланган холестерин моддасини йўқотади. Шу сабабли мазкур ўсимликни юрак хасталиги бор кишилар учун овқат таркибига қўшиш тавсия этилади.

ШИВИТ (УКРОП) ШИФОДАН «ШИВИРЛАЙДИ»


Ушбу ўсимлик кўп миқдорда оқсил, олеин ва линоль кислотасига бой бўлиб, кўплаб хасталиқларга дармон бўлади.

Масалан, ундаги эфир мойи юрак ва томирлар фаолиятини яхшилайди. Атенин мия қон-томирларини кенгайтириб, юрак мушакларини мустаҳкамлайди. Бу эса овқатнинг яхши ҳам бўлишига ёрдам беради. Қолаверса, ундан она сутини кўпайтириш (лактация) жараёнини яхшилашда фойдаланилади. Организмнинг нафас олиш аъзолари, қон босимининг кўтарилиши, кўришини пасайиши ҳолатларида ҳам шивит шифобахш ўсимлик ҳисобланади. Асосийси, бу ўсимликни гипертония (қон босимининг кўтарилиши)да ҳам қўллаш мумкин.

Унинг уруғидан тайёрланган тиндирма иштаҳани очиш, ҳазм қилиш, уйқусизлик ва буйракнинг яллиғлиниши каби касалликларни даволашда самарали ёрдам беради. Бундан ташқари, бавосил касаллигига қарши восита бўлиб, сиртки яраларни тузатишда ҳам кенг қўлланилади.

Озода РЎЗИҚУЛОВА тайёрлади.

Эълон
Тошкент шаҳри, Олмазор туманида жойлашган, 2016 йил 26 сентябрда реестр №009404-05 ракам билан рўйхатдан ўтган (ИНН:304332683) «DOUBLE GOLDEN STAR» MCHJ тугатилган маълум қилинади.



Табрик

Хуш кўрдик, янги кун – Наврўзи олам!

Юртдошларимизни баҳорий янгиликниш, барака ва дўстлик байрами – Наврўз билан самимий муборакбод этамиз!

Эзгу тилаклар амалга ошадиган шу қутлуғ кунларда Яратгандан юртимизга тинчлик-омонлик, дастурхонларимизга файз-у барака, элимизга аҳиллик ва ҳамжиҳатлик, фарзандларимиз камолини тилаймиз.

ТАЪЛИМ, ФАН ВА МАДАНИЯТ ХОДИМЛАРИ КАСАБА УЮШМАСИ УРГУТ ТУМАНИ КЕНГАШИ

Эркин ВОҲИДОВ

БАҲОР

Барқут кийиб безанди боғлар,
Саҳролар кўксига тақди қизғалдоқ.
Кўёш этагига оқ булут борлаб,
Урик шохларида қовурди бодрок.

Еллар олиб қочди қишнинг хобини,
Барглар чапак чалиб уйғонди шодон.
Бутоқларга кўниб, гул китобини
Варақлашга тушди булбул – фазалхон...

Бугун коинотда эзгу бир ташвиш,
Ғунча гул бўлай деб кўзин очади.
Мусича олдидан бир дона чўпни
Чумчуқ уясига олиб қочади!

Ҳайдалган даладан бир хас ортмоқлаб –
Чумоли юзурар – у ҳам тирик жон.
Шошилиб чопади табиб ирмоқлар
Ёрнинг томирига қуймоқ учун қон...


Она тупроқ эса куз ташвишида,
Юксак хирмонларга сийнаси юклик.
Унинг сокингина тин олишида
Бордир оналарга хос бир буюклик.



ТАЪЛИМ, ФАН ВА МАДАНИЯТ ХОДИМЛАРИ КАСАБА УЮШМАСИ ЖОМБОЙ ТУМАНИ КЕНГАШИ

Табрик

Наврўз – азалий қадриятларимизни ўзида мужжасам этган баҳорнинг энг гўзал байрамларидан биридир. Табиат уйғониши, инсонларнинг бир-бирига меҳр-оқибати айнан шу байрамда намоён бўлади. Барча ҳамюртларимизни, шу жумладан, ўқитувчи ва мурраббийларни, шулар қаторида жомбойлик ёш авлод тарбияси билан машғул инсонларни баҳор айёми – Наврўзи олам билан қутлаймиз!



Зулфия МҲМИНОВА

Омон бўлайлик

Мана турна қайтди, қайтди қумрилар,
Қай дарахт йиқилди, қай тош сурилди,
Бошга тушганини кўз-ла кўрилар,
Турналар қайтгунча омон бўлайлик.

Қай кун турна қайтди, онам қайтмади,
Кўнгли ярим-ку, деб ҳеч ким айтмади.
Дунё васл-у видо учрар байтмиди,
Турналар қайтгунча омон бўлайлик.

Умр – маҳзунда матал, кутайлик,
Эшиклар ёнида маҳтал, кутайлик,
Турналарни тўрткўз тугал кутайлик,
Турналар қайтгунча омон бўлайлик.

Мен кўнглимнинг кули, ўзинг хушёр бўл,
Менга тош отсалар, тани девор бўл.
Дўстим, сен ўлмагин, ёнимда бор бўл,
Турналар қайтгунча омон бўлайлик.

Изласак – анқо не, анқо топилар,
Ҳар кимга бир жони фидо топилар.
«Одам топилмайди, дунё топилар»,
Турналар қайтгунча омон бўлайлик.

Гоҳ билиб-билдирмай ўтар одамлар,
Сувага кетган каби кетар одамлар,
Дунё барчамизга етар, одамлар...
Турналар қайтгунча омон бўлайлик.



Табрик

Байрамингиз муборак, азиз юртдошлар!
Шу кунларда юртимизнинг барча ҳудудларида
Наврўз тантаналари бўлиб ўтмоқда. Қарнай-сурнай овози, шодумонлик, хурсандчилик акса-садолари энграмоқда. Чабандозлар, палбонлар, бағшилар-у ҳофизлар байрам сайилларини қиздирмоқда. Озоғ ва обод юртва байрамлар ярашади-да. Қутлуғ қадамли Наврўзи олам шуккуҳи дилларни яшнатаётган шу кунларда барча юртдошларимизни, шу жумладан, таълим, фан ва маданият соҳаси ходимларини байрам билан қутлашдан бениҳоя мамнунмиз. Наврўзнинг қадами аши бўлсин, юртимиздан барака, хондонларимиздан хотиржамлик ариласин!

ТАЪЛИМ, ФАН ВА МАДАНИЯТ ХОДИМЛАРИ КАСАБА УЮШМАСИ ПАЙАРИҚ ТУМАНИ КЕНГАШИ

Абдулла ОРИПОВ

Наврўз

Аввал юрагинга мўралайди у,
Сўнгра куртакларга ўргатади сўз.
Заминнинг кўзидан қочади уйқу,
Демак, Баҳор келди,
Келмоқда Наврўз.

Қишнинг аҳволига боқиб ҳойнаҳой,
Юм-юм ёш тўқмоқда эриётган муз.
Жилва қилаётир тенгсиз бир чирой,
Демак, Баҳор келди,
Келмоқда Наврўз.

Она бағри каби илиқдир олам,
Ҳарир ҳовур ичра яйрар дала-туз.
Қолди пучмоқларда хазон янглиғ ғам,
Демак, Баҳор келди,
Келмоқда Наврўз.

Яна кўнгиладан рутубат кетди,
Яна шуълалардан қамашмоқда кўз.
Яна дилдорликнинг фурсати етди,
Демак, Баҳор келди,
Келмоқда Наврўз.

«ЎЗБУРҒУНЕФТГАЗ» АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ БОШҚАРУВИ ВА БИРЛАШГАН КАСАБА УЮШМА ҚЎМИТАСИ

Табрик

Халқимизни яшариш ва янгиликниш байрами – Наврўзи олам билан муборакбод этади!
Баҳор кўкламидек фусункор тароват йил бўйи ҳамроҳимизга айлансин.
Жонажон юртимиз осмони мусаффо, ҳаётимиз фаровон, ташлаган тараққиёт одимларимиз давомли бўлсин!
Нефт-газ ва бурғулаш соҳаси ходимларига меҳнат зафарлари, масъулиятли ишларида омадлар тилаб қоламиз!

Омон МАТЖОН

Ҳар оғоч, ҳар шохни уйғотди Наврўз

Миллион жажжи фонус ёқди дарахтлар.
Камалак. Яшиллик. Емғир юз фоиз...
Имон келтиргайман аммо —
бу боғлар ёруғдир бизнинг-да севгимиз боис.

Ҳар оғоч, ҳар шохни уйғотди Наврўз,
гул билан қитиқлаб қарахт танини.
У сени кўрсатди менга.
Ва билдим юрагим қаерда жойлашганини!

Оҳ, баҳор! Заминнинг сўз эркинлиги!
Майсалар куйлашар кўкка ўрлашиб.
Шу буюк қувончга жўр бўлдик биз ҳам
лабларим лабларинг билан бирлашиб.

Умр нима ўзи!
Имон келтирай,
ҳикмат бу, баҳордек қисқа ва аён.
Севги ила масъуд онларни ўйла,
асил умр шулдир. Қолгани – ёлғон...





Хуш келдинг, элимга Наврўз!
**ЎЗБЕКИСТОН КИМЁ ВА
ФАРМАЦЕВТИКА САНОАТИ
ХОДИМЛАРИ КАСАБА УЮШМАСИ
РЕСПУБЛИКА КЕНГАШИ**



**Ватандошларимизни яшариш
ва эзгулик айёми – Наврўзи олам билан
самимий муборакбод этади!**

**Янги кун – янги йилни кўтаринки руҳда кутиб олаётган
юртдошларимизга сиҳат-саломатлик, хонадонларига файз-у
барака, Ватанимиз тараққиёти йўлидаги меҳнатларида
муваффақиятлар тилайди.**

Тўра СУЛАЙМОН

Баҳор келса...

Баҳор келса, бошланур боғда булбул хониши,
Саъва, кумри нағмаси, суралай товланиши.
Қирларда лола сайли, қишлоқларда йил боши:
Тўхтагай табиатдан ҳаққушлар зорланиши,
Баҳор, кетма менинг боғимдан.

Қилмиши қингир зотга давр қайда, даврон қайда?
Ватангадо кимсага беминнат макон қайда?
Елгиз отга оламда ном қайда, нишон қайда?
Баҳор, сенсиз саҳро-ю тоғ-у тошга жон қайда?
Кетма, баҳор, менинг боғимдан.

Ўлмасликка ишора – ўланга ошиқлигим.
Саодатга ишора – замонга ошиқлигим.
Теранликка ишора – уммонга ошиқлигим,
Гўзалликка ишора – бўстонга ошиқлигим.
Баҳор, кетма менинг боғимдан.

Бу кун қай бир ерда қиш, қайда хазонрезгилик,
Қайларда ёз, қайда куз, қайда жондан безгилик.
Кўкларнинг ҳар нафаси умрга арзуғулик,
Богсиз, боғбонсиз ерда не ҳам қилсин эзгулик...
Кетма, баҳор, менинг боғимдан.

Гийё билан қопланмиш кўҳна қабр бошлари,
Майсадаги шудринлар – кимларнинг кўзёшлари?
Бу ерда ётар отам ҳам узангидошлари,
Ҳар баҳор эслар уни қаёми-қариндошлари,
Баҳор, кетма менинг боғимдан.

Ёз бўйи қорга зорман, қишда баҳорга зорман,
Чаманда гул бўйига интиқман, интизорман,
Куз келмай хазон бўлган севги, гулдан безорман,
Баҳорсиз ҳам дийрсиз эл ичра беназарман.
Баҳор, кетма, менинг боғимдан.

**Ҳар кунимиз Наврўз каби
янгилинишлар ва баракага
бой бўлсин!**

**ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ
КАСАБА УЮШМА ТАШКИЛОТЛАРИ
БИРЛАШМАСИ ЖАМОАСИ**

Муҳаммад ЮСУФ

Кўкламоийм

Сочимда ок, мен баҳордан ўтиндим:
Кўкламоийм, кўкингдан бер бир чимдим.
Қор қўйида сени кўмсаб ўқиндим,
Кўкламоийм, кўкингдан бер бир чимдим.

Кўнглимга кўк бинафшалар сочилсин,
Бокилига толпоқудан соч илсин,
Бойчечакка борар йўллар очилсин –
Кўкламоийм, кўкингдан бер бир чимдим.

Фасл боши, ҳам охири ўзингсан,
Мажнунларнинг йўлдоши ҳам ўзингсан.
Лайлиларнинг сирдоши ҳам ўзингсан,
Кўкламоийм, кўкингдан бер бир чимдим.

Кел-да энди соғинтирмай одамни,
Сен йўғингда бир ғам босди елкамни,
Қорлар кураб кўмиб келдим отамни...
Кўкламоийм, кўкингдан бер бир чимдим.

Кўкинг билан кийинтирай даламни,
Оёқланг суюнтирай боламни,
Ўзинг олгин кўксимдаги аламни,
Кўкламоийм, кўкингдан бер бир чимдим.

Гинам йўқдир кузда кетган оққушдан,
Ийманмасин қайта эшик қоқишдан.
Кумри билан бирга чиқдик биз қишдан,
Кўкламоийм, кўкингдан бер бир чимдим.

Жон устид асраб юрай кўкни мен,
Тўйиб-тўйиб кўзга сурай кўкни мен.
Яна сенга етамани-йўқми мен,
Кўкламоийм, кўкингдан бер бир чимдим.

Дил яйрасин дала-даштинг ясениб,
Ялпизларинг сув бўйига ястаниб.
Икки мисра байт битай бир мақтаниб,
Кўкламоийм, кўкингдан бер бир чимдим!

**Наврўзи олам
муборак бўлсин!**

**Барча
юртдошларимизни,
шу жумладан,
Ватанимиз тараққиёти
йўлида фидойилик
кўрсатаётган
касаба уюшма аъзоларини
янгилиниш ва
яшариш байрами –
Наврўзи олам билан
қутлайди.**



Халқимиз бахт-у саодати, Ватанимиз тараққиёти йўлида
олиб-бораётган фидокорона меҳнатларини бахт ва шодлик асло
тарк этмасин. Ил давомда тиңчилик, хурсандчилик
Сизларни асло тарк этмасин!

**«КОГОНДОНМАҲСУЛОТЛАРИ» АЖ
МАЪМУРИЯТИ ВА КАСАБА УЮШМА КЎМИТАСИ**

**Ўлкамизга кириб келаётган гўзаллик,
нафосат айёми – Наврўзи олам билан барча
юртдошларимизни, шу жумладан, донни қайта
ишлаш соҳаси ишчи-ходимларини, ғалладан
баракали хирмон кўтариб келаётган миришкор
деҳқонларни самимий муборакбод этади.**

**Кейинги йилларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини
етиштириш ва уни қайта ишлашда замонавий техника ҳамда
технологияларнинг амалда қўлланиши энг юқори даражадаги
сифат кўрсаткичларини таъминламоқда.
Олдинда янада улғувор, истиқболли режаларимиз бор.
Бу йўлда бунёдкор халқимизга мустақкам соғлиқ, оилавий то-
туелик, ғайрат – шижоат ва матонат тилаб қоламиз.
Янгилиниш ва яшариш айёми муборак бўлсин, азиз юртдошлар!**

Ойдин ҲОЖИЕВА
Наврўз
Ўриқлар шоҳида ёнди минг чироқ,
Пушти капалаклар кўнди бодомга.
Офтоб бир қиздирса, кўзлари қора
Лолақизгалдоқиз чиқволар томга.

Жилосиз тойчоқдай югурар кишнаб,
Қиш бўйи эснаган эринчоқ сойлар.
Баҳор бисотидан кетади яшнаб,
Келинчак уйидай кўҳна саройлар.

Сумалак бошида келинлар чечан
Лутфида дунё ишқ, сирга айланар.
Ёмир кўбизини чалади шўкчан,
Сомонлар тиллога, дурга айланар.

Тарновда пат тараб ошиқ мусича
Шўх-шўх муччилашиб бахши бўлодир.
Каврак илдизи-ю чўл андизича
Бол кириб, чечакдан яхши бўлодир.

Хазин мазористон дарахтлари-да
Армон гулларини тўзатиб порлар.
Қабртошнинг видео дастхатларида
Хотира шуъласин ўқир баҳорлар.

Ҳаёт абадийдир. Ҳаёт – ғанимат.
Довул қоқар жарчи, бонг урар Наврўз.
Не чоғ сеҳрарсан, она табиат,
Ҳар бир ҳужайрада ёқасан юлдуз.

Минг торли саз каби сасланар Инсон
Наврўзий саболар оҳангида маст.
Тонггача баҳорий завқ ичра жаҳон
Бир кучоқ гулдаста бўлса, ажабмас.